

1928 йил 11 декабрда асос солинган

фермерларимиз учун чинакам қанот бўлади

Нурафшон шаҳрида вилоят фермерлари учун 5 фозизга арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги техникалари кўргазмаси иш бошланди.

“Ўзгротехсаноатхолдин” акциядорлик жамияти томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташикл этилган кўргазмада Тошкент кишлққ хўжалиги техникаси заводи, “Амқодор-Агротехмаш” “ЎзКлассагро”, “ЎзКейсмаш” кўшма корхоналари, “Технолог”, “Аргегат”, “Чирчик-машагро” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан ишлаб чиқарилган 27 турдаги 50 дан ортққ замонавий кишлққ хўжалиги техникалари намойиш этилмақда.



Президентимизнинг 2016 йил 17 ноябрдаги "Ўзгротехсанойтхолдинг" акциядорлик жамаияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими тубдан қайта ташкил этилди.

Тармоқнинг техникавий базасини такомиллаштириш мақсадида "Ўзгротехсаноатхолдинг", қишлоқ ҳўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича "Ўзгротехмаш", лизинг асосида етказиш бўйича "Ўзгролизинг", сервис ва механизация хизматлари қўрсатиш учун "Ўзгросервис" жамиятлари тўзилди.

Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари билан бир қаторда Тошкент вилояти фермерлари учун лизинг муддати 10 йилдан 12 йилга, машина-

трактор парклари учун эса 7 йилдан 10 йилга узайтирилди. Фермерлар ва машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун 5 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Кишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳусусан, фермер ҳўжаликлари ва машина-трактор паркларини замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Ўзагротехсаноатҳолдинг" АЖ бошқарма бошлигининг ўринбосари Ҳасан Насибов. — Жорий йилнинг 14 март куни Президентимиз раислигида кишлоқ ҳўжалиги машинасозлигини ривожлантиришга бағишлал ўтказилган йиғилишда б

борада қатор устувор вазифалар белгилаб берилгани айти мударо бўлмоқда. Жумладан, кейинги йилдан 110 от кучига эга бўлган "Замин" трактори маҳаллийлаштирилади. Қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллийлаштириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар 5 фоиз арзон нархда сотилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, кўргазманинг биринчи кунда фермер хўжаликлари томонидан 20 га яқин қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш юзасидан шартномалар имзоланган.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.
ЎзА мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
("Тошкент ҳақиқати")
олган суратлар

 Тадбир

Юқори Чирчиқ туманидаги мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи да Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони нинг ҳамда "Yoshlar - kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида "Аёллар ва ёшлар - келажак пойдевори" мавзусида тадбир ташкил этилди.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРЛАРИ

Туман хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" маркази, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган, — дейди Халқ таълими аълочиси Лола Жунусова. — Аёлларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқ ва имкониятларини тўлиқ ҳимоя қилишни билишмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, Оила кодексига Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган. Шундай экан, жамиятимизда ҳеч бир аёлнинг камситилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбирда сўз олган соҳа вакиллари юртимизда аёллар ва ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Латифжон МАНСУРОВ

ЭПЛИ АЁЛ АЖРИКДАН ХАМ ПУЛ КИЛАДИ

Тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратилаётган сўнгги йилларда, табиийки, ишбилармон хотин-қизларнинг ҳам сафи тобора кенгайиб бормоқда.

"Анор – 2018"

Қибрай туманидаги "Дурмон" маданият саройида вилоят ҳокимилиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими ва банк ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган "Анор - 2018" кўрсат-танловидан қўзланган мақсад ҳам тадбиркорлик билан шуғулланган хотин-қизлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларда ишга креатив ёндашувни ку-

чайтириш,
ишлаб чи-
қараётган
махсулот-
лари рақо-
бат бар-
дошлиги ва
экспорт са-
лоҳиятини кўтаришга
кўмаклашишдир.

Иштирокчиларнинг маҳсулотлари кўргазмасини томоша қилатўриб, ви-



– Мана бу қахвадан та-
тиб кўринг. – дейди чи-

нозлик фермер Дилноза
Йўлдошева. – Уни ажриқ
томиридан тайёрлапмиз!

Давоми 2-бетда ➡

Давоми 2-бетда ➡

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

СОҒЛОМ ВА БАҶКАМОЛ АВЛОД

мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли кучдир

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиздаги Жисмоний тарбия ва спорт институти вилоятимизга кўчирилиб, унга университет мақоми берилган эди. Куни кеча мазкур олий ўқув юрти жойлашган Чирчиқ шаҳрида университетнинг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан таш-
тилган маросимда сўз
ганлар ўтган қисқа фур-
т ичида Президентимиз-
нинг тегишли қарори иж-
роси доирасида бу ерда
қисмоний тарбия ва спорт
ҳақида малакали кадрлар
йўрлаш сифатини тубдан
дириш, олийгоҳ фаолият-

тини янада такомиллашти-
риш, үкүз жараёини замо-
навий талаблар ва халқаро
стандартларга мувофиқ
ташkil этиш учун зарур
моддий-техник базани яра-
тиш борасида салмоқли
қадамлар ташланганини
таъкидладилар.

ўқув бинолари қайта реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси янгиланди. Университет ҳудудларидаги бинолар ва иншоотларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, жиҳозлаш учун етарли маблағлар босқичма-босқич ажратилмоқда.

 Ҳоким минбари

Пискент – қадимдан уста деҳқону соҳибкорлар, қилни қирқ ёрадиган, омиликор тадбиркорлар, кураги ерга тегмаган полвонлар, юксак маънавиятли зиёлилар маскани. Бугун, шу кеча-кундузда туманимиз аҳли қўлни қўлга бериб, жуда катта марра ва мақсадларни дилга туғиб, юрт истиқболи, фарзандлар камоли йўлида дадил ва шаҳдам қадамлар билан одимлашга интилоқдалар.

БИЗДАН ЯХШИ НОМ, ЭЗГУ ИШ ҚОЛСИН

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 8 августдаги "Худудларни жадал ижтимоий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги тарихий Қарори асосида туманимизда алақачон кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган. Аҳолининг турмуш шароитини тубдан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчиллиги ва ҳаётбахшлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган 4 та сектор фаолиятининг бош мезони одамларни бугунги кундан рози қилиш, эртанги истиқболга ишончини мустаҳкамлашдан иборатдир.

сўмдан кўпроқ маблағ ажратилаётганининг ўзи кўп нарсадан дарак бериб турибди. Ажратилган маблағлар эвазига янги мактаб ва мактабча таълим муассасаларини қуриш, қишлоқ врачлик пунктини барпо этиш, таълим муассасаларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви тармоқларини қуриш, ички йўллارни таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўқам-ламзорлаштириш назарда тутилган ва бу мақсадимиз қадам-бақадам амалга ошмоқда.

Масалан, "Гулистон" маҳалласида 216 ўринли янги мактаб қад ростлаяпти. Бунинг учун 3,8 миллиард сўм йўналтирилди. Шу билан бир қаторда мазкур ҳудудда 120 ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилишини ҳам бошлаб юбордик.

ити аҳлининг турмуш шароитини чуқур ўрганиб чиқишдан бошладик. Кимнинг қандай дарду тавшиши бор, кимга нима етишмайди, ким нимадан норози – ҳамма-ҳаммаси кундек равшанлашди. Маҳаллалар аҳлининг муносабатлари ҳамда ўрганиш жараёнида аниқланган қамчиликларни имкон қадар бартараф этиб, йонда ҳал этишга эришяпмиз.

Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири муҳтарам Президентимиз томонидан белгилан берилган "Обод қишлоқ" дастури ижросини таъминлаш, унда назарда тутилган кенг кўламли, илгари ҳатто таъсавву қилиш ҳам қийин бўлган чора-тадбирларни оддий қишлоқ одамлари ҳаёти, турмушида тўла-

тўқис ис этишига эришиш-
дир. Дастур, энг аввало,
аҳолининг турмуш тарзи ва
маданиятини тубдан яхши-
лаш, ижтимоий соҳалардан
тортиб, тадбиркорликни
кенг ривожлантириш, янги
иш ўринларини барпо
этишга йўналтирилгани билан
аҳамиятлидир. Бу йил
2 та, "Гулистон" ва "Муста-
қиллик" аҳоли пунктларини
"Обод қишлоқ" дастурига
киритганмиз. Ушбу мақсад-
лар учун фақатгина бюджет-
нинг ўзидан 56 миллиард

Давоми 2-бетда 100

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД



– Бугунги кунда университетда истеъдодли ёшларни саралаш, республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ҳамда миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ва жамоаларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаймиз, – дейди университет ректори Комилжон Ярашев. – Айни дамда университетимизда 5 та факультет мавжуд бўлиб, бакалавр босқичида 3 минг 335 нафар, магистратура босқичида 50 нафар талаба тахсил олмақда. Таълим-тарбия ва ўқув жараёни 333 нафар юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилмоқда.

Университет томонидан Хитой, Молдова, Россия, Жанубий Корея каби давлатлардаги турдош билим даргоҳлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Яна бир эътирофга лойиқ жиҳат, яқин келажақда бу ерда Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда киши спорт турлари ҳамда гимнастика

мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли кучдир

бўйича мураббийлар тайёрлайдиган факультет ташкил этилиб, битирувчиларга қўшма диплом берилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, университет ҳудудидида 1 минг 600 ўринга мўлжалланган талабалар тураржойи, 600 ўринли ўқув биносига эга бўлган гимнастика зали, 3 та спорт иншооти қуриб битказилди. Мухташам футбол майдони ва унинг маъмурий биносини қайта реконструкция қилиш ҳам режалаштирилган.

Эътиборлиси, яратилаётган шариоат ва имкониятларга жавобан, вилоятимиз спортчилари ҳам кўплаб спорт турлари бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда юксак шохсупаларга кўтарилмоқдалар. Уларнинг номлари дунё миқёсда машҳур бўлаётгани, ҳурмат билан тилга олинаётгани билан ҳар қанча

фахрлансак арзийди, албатта.

Масалан, яқиндагина пойёнига етган Осиё ўйинлари натижалари ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Осиё ўйин-

иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Албатта, узқичи кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган бу сайёҳаракатлар мамлакатимизда спорт соҳасини янада ривож-



лари мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятимиз спорт учун ҳар томонлама муваффақиятли яқунланди. Унда вилоятимиз спортчилари 2 та олтин, 7 та кумуш, 7 та бронза медалларни қўлга киритиш баробарида, барча жабҳаларда рекордларни янгилашди. Вилоятимиз жамоаси республикамиз миқёсида медаллар сони бўйича

ланттириш, уни янги, юксак босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиздир.

Университет янги ўқув биносининг фойдаланишига топширилишига бағишланган маросимда вилоят ҳокими ўринбосари Одижон Тажиев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз
Нозим АБДУЛЛА
олган суратлар



янги инновацион маҳсулотлар билан тўлади, экспорт қувватимиз ошади, насиб бўлса.

Бугунги куннинг яна бир долзарб вазифаларидан бири мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш эканлиги сир эмас. Маълумки, Пискентимиз ўзининг қадимий тарихи, озороти-қаларига эга. Не-не улуғлар манзил-макон тутган ҳудуд

БИЗДАН ЯХШИ НОМ, ЭЗГУ ИШ ҚОЛСИН

ди. Жойларда меҳнат ярмаркаларини бир пайтлар бўлганидек, фақат номига, ҳисоботлар учун эмас, ҳақиқатан одамларнинг мушкуллини осон қилиш, уларни иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш мақсадида ташкил этаямиз.

Туманимизда саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ режаларимиз, мақсадларимиз бор. Улар ҳақида аввалдан оғиз кўпиртириш ноқулай. Бироқ, шуниси аниқки, режаларимиз 70-80 фоиз амалга ошган тақдирда ҳам, ишсизликка барҳам бериш йўлида жуда катта қадамлар ташланган бўлади. Биз, бунга албатта, эришамиз. Эришишимиз шарт!

Дарвоқе, ён дафтаримизга ёзиб, тағига қизил чизик тортиб қўйган вазифаларимиздан яна бири, айтиш жоизки, туманимизга чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этишдир. Бусиз ҳеч қандай иқтисодий юксалиш, фаровонлик, бандлик ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас-да.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва фармонларга ҳамда яратиб берилаётган имкониятларга асосланиб, туманимизда шу кунларда 8 миллион 720 минг АҚШ доллар миқдоридида чет эл сармоясини киритиш устида ишляпмиз. Учра реал лойиҳамиз амалга ошиш арафасида. Бу билан 110 нафар тумандошимиз мўқим ва кафолатланган иш жойига эга бўлади, маҳаллий иқтисодиимиз бақувватлашади. Ички бозоримиз

бу. Ўзининг ноёб археологик ёдгорликлари билан ҳар қандай кишининг ҳавас ва ҳайратини уйғота олади. 25 та номоддий маданий мерос объектлари аниқланган. Шундан 22 таси археологик тепаликлар, 1 таси архитектура ёдгорлиги ва 2 таси монументал ёдгорликлар сирасига қиради. Айтиб ўтиш керак, 2 та қимматли архитектура ва археология ёдгорлиги ўта ноқор аҳволда, тўғрироғи, биздан мадад, эътибор кутиб ётибди. Албатта, уларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажақ авлодларга ҳам бус-бутун етказиш ҳар бир пискентликнинг виждон иши, инсоний бурчи бўлиши керак. Худо хоҳласа, қўлимиз етади, маданий бойликларимизни асл ҳолига қайтариш, тиклаш ва таъмирлашга имкон ҳам, вақт ҳам топамиз...

Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Назаримизда, унга муҳаббат ҳам, аввало, оилада, маҳаллада тобланади. Ватанини севаган одам ўзи яшаб турган ҳудуднинг эртанги кунини, юки, дарду таъвишлари билан яшайди. Пискентликларнинг эл-юрта муҳаббатини, меҳри ана шундай самимий, оташин. Ёнг муҳими, уларнинг кайфияти ҳам, онги ва тафаккури ҳам айнан бугунги янгилаётган ўзбекистон, шиддаткор ислохотлар замонада аини ҳамоҳангдир.

Бундай фидойи, заҳматкаш, ҳамиша дахлдорлик ва бурчдорлик туйғулари билан яшайдиган инсонлар билан олдимизда турган залворли вазифалар рўёбига, албатта, эришамиз.

Шўҳрат АҲМЕДОВ,
Пискент тумани ҳокими

Инновация

Пискент тумани, "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги тўрт гектар майдонда энг сўнгги лойиҳа асосида замонавий иссиқхона қурилмоқда.

ТҮРТ ФАСЛДА ЁЗ САҲОВАТИ

Ушбу объектдаги қурилиш-монтаж ишлари маҳаллий тадбиркор Абдурахим Абдувалиев ва Туркиянинг "ASVA SERA" фирмаси томонидан киритилган инвестиция ҳисобидан амалга оширилмоқда. Ҳозирда иссиқхонанинг асосий қисми қуриб, битказилди. Айни кунларда бонининг ички қисмига доир монтаж ишлари ва таг қисмини бетонлаш юмушлари бажарилмоқда.

– Шунини айтиш керакки, илғор хориж андозасига хос янги технологиялардан бири бўлган гидропоник усулда дехқончилик қилишга ихтисослашган ушбу иссиқхонада йил – ўн икки ой ҳосил берадиган помидор ва сабзавотларни етиштириш мумкин, – дейди ёш тадбиркор Абдурахим Абдува-

лиев. – Дастлабки ҳисоб-ки-тобларимизга кўра, иссиқхонада йилига 700-800 тоннагача помидор олиш имконияти мавжуд. Ҳосилнинг 70-80 фоизини Россия, Қозғистон давлатларига экспорт қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Узлуқсиз ҳосил берадиган янги помидор навиди Туркия ва бошқа хорижий давлатлардан келтириш мўлжалланган. Қўчатлар кокос ёнғоғидан тайёрланган, тупроқ билан тўлдирилган махсус қўтиларга экилади, юз фоиз томчилатиб сугорилади. Бу сувни тежаш билан биргаликда экнингнинг турли минераллар билан тўйинтирилган сувдан озикланишини таъминлайди.

Шоира ШОМАТОВА

ЭПЛИ АЁЛ АЖРИҚДАН ҲАМ ПУЛ ҚИЛАДИ



Ажабо, дехқонларимизга кўп ноқулайликлар туғдирадиган ажриқнинг ҳам фойдали томони бор экан-а, қаранг. Аслида, бу "беор" ўсимлиқнинг илдизи оқсарик рангда. Ундан тайёрланган қаҳва жигарранг? Тадбиркорнинг айтишича, уни бу ҳолга келтиргунча анча-мунча тер тўкишга тўғри келган. Бу ҳақда мавриди келганда батафсил ҳикоя қилишни кўнглига тугиб, кўргазмани томоша қилишда давом этдик.

Эътиборлиси, ҳар бир тадбиркор аёл ўз фаолиятини инновацион ғоялар, янги-янги лойиҳалар билан бойитишга ҳаракат қилган. Ангренлик пазанда Севара Жакбарова тайёрлайдиган хилма-хил "Ақбар Али ширинликлари", алақачон, ўз харидорларини топиб улгурган. Бундан илҳомланган Севарахон янги-янги пишириқлар яратаверади...

Бошланғич 1-бетда

Қибрайлик тадбиркор Мухаббат Ағзамова эса атиргулдан гулқанд – мураббо тайёрлайди. Унинг қатор шифобахш хусусиятлари ҳақида сўз борганда, гулқанд 100 фоиз табиий ҳолда, кимёвий қўшимчаларсиз тайёрланишини таъкидлаш зарур. Шунингдек, мунчоқлардан турли тақинчоқлар ясайдиган пискентлик Шоирахон Ўзбекхўжаева, фермерликнинг ҳадисини олган пискентлик Сайёра Ҳожиёва, хушбичим либослар тикиб, ҳатто, хорижга чиқараётган Бекобод туманилик Шоҳида Эрматова, Ўғиллой Мирзамуродова, миллий кўйчоқлар билан болажонларга қувонч улашайтган зангиоталик Арофат Йўлдошева, темирни қоғоздек осонликча эгиб-букиб, турли-туман маҳсулотлар яратайтган уста Инобат Богданова каби қўли гул хунардан хотин-қизлар фаолияти томошабинларда ҳам, ҳакамлар ҳайратидида ҳам катта таассурот қолдирди.

Ёнг муҳими, уларнинг изла-ниш, иттилишлари натижа-сида кўпгина хотин-қизлар ўз иш жойларига эга бўлмоқда.

Бундан ташқари, ангрелик Ойша Уралованинг туризмни ривожлантириш босқисидидаги кўрсатмалар асосида ташкил этган "Yangiobod – kelajak sari" хусусий корхонасига қарашли "Istiqbol" меҳмонхонаси фаолияти ҳам иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотганини таъкидлаш жоиз.

Якуний натижаларга кўра, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 1-ўрин соҳибалари: "Ёнг яхши тадбиркор"лар Севара Жакбарова, Сайёра Ҳожиёва, Жанона Анорқулова, шунингдек, 2-ўринга муносиб қўрилган Ўғиллой Мирзамуродова, Ойдин Уралова, Мазмура Рўзметовага танлов голиблари сифатида диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Бошқа иштирокчилар фаолияти ҳам эътироф этилиб, фахрий ёрлик ва совғалар тақдим этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парсиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЁВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Хотин-қизлар кўмиталарида

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси раҳбарлигида шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятига бағишланган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА НИМА ГАП?

Мавжуд 3 минг 500 дан зиёд бошланғич ташкилотларнинг беш йил давомида олиб борган ишлари чуқур таҳлил қилиниб, муносивлар ўз ўрнига сайланмоқдалар. Жумладан, Нурафшон, Олмалик шаҳарлари, шунингдек, Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат"нинг 1-навли прокат цехида ўтказилган йиғилиш иштирокчилари мазкур ташкилотлар фаолиятини ижобий баҳоладилар.

Бу борада Олмалик шаҳар хотин-қизлар кўмитасидаги ишлар эътирофга лойиқ, деб топилди. Янги ташкил этилган ҳар бир корхонада хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари тузилиб, фаолияти йўлга қўйилмоқда. Йиғилишларда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг янги таҳрирдаги Низомий лойиҳаси ўрганилиб, тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Ўз мухбиримиз

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УСТУВОР МАСАЛА

Президентимиз халқимизни рози қилиш учун, энг аввало, унинг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш ниҳоятда зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар.

Тиббий кўрик

"Саломатликни тарғиб қилиш кунлари" доирасида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида республика ихтисослаштирилган илмий-текшириш марказининг малакали тиббий ходимлари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрик, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи тадбирлар ўтказилди.

Тиббий кўриқлар вилоят даволаш профилактика муассасаларининг тор соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ташкил этилди. Икки кун давом этган тадбирда жами 14 минг 300 нафар аҳоли, жумладан, чекка ҳудудда яшовчи, ижтимоий ёрдамга муҳтож қаришлар, аёллар ва болалар кўриқдан ўтишди. Бунда ЭКГ, УТГ аппаратлари, тиббий ва лаборатория жиҳозларидан кенг фойдаланилди. Тадбирда аҳолига саҳналаштирилган кўринишлар, спорт мусобақалари намойиш этилди. Соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш тарғиб қилувчи маслаҳатлар берилди, буклетлар тарқатилди.

Мутахассислар 7 минг 374 нафар аҳолига амбулатор, 458 нафар аҳолига стационар шароитда даволашни учун тавсия беришди. 357 нафар кишига эса туман, 100 нафар беморга республика тиббиёт муассасаларида даволаниш учун йўланмалар берилди.

А. ҲУСАНОВА

Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узқичи кўзлаб олиб борилаётган сиёсат натижасида мазкур соҳа миллий иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди.

Имконият

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ҚАДАМЛАРИ

Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилиб, иқтисодий ислохотларнинг меъёрий ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли имтиёзлар яратилган бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, мустақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ янги мулкдорлар синфи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта умид ва юксак ишонч билдирилгани бежиз эмас. Сабоби, тадбиркорликнинг шу шакли аҳоли бандлиги ва соғлом рақобатни таъминлайди, ички бозорни янги маҳсулотлар билан тўлдириб, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни юзага келтиради. Қўрилайтган чора-тадбирлар натижасида, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ри-



вожида муҳим ўрин эгаллагани энди ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу тизимда яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланган Мирҳаёт Миртолипов тадбиркорлик соҳасида ўзини сынаб кўриш, бизнес режасини амалга ошириш учун 2012 йилда "Life cosmetic products" МЧЖга асос солди. Дастлаб ташландиқ, қаровсиз 12 сотихли жойда иш бошлаган тадбиркор 2-3 турдаги косметик маҳсулотлар иш-

Кейинчалик чет элдан янги дастгоҳлар келтириб, Хитойнинг "Heng Tai Lvda Cold" корхонаси билан ҳамкорлик қила бошлади. Қолаверса, ҳамкорларининг билим ва тажрибаларини

КАТТА ҚАДАМЛАРИ



кунт билан ўрганди. Мақсади – Ўзбекистонда ҳам чет элликдан қилинмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ички бозорларимизда ўз ўрнига эга бўлиш эди.

– Бугунги кунда корхона-

мизда 30 турдан зиёд косметик маҳсулотлар: шампунь, гель, бальзам, ҳавони муссафолантирувчи воситалар ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг барча вилоятларига жўнатилмоқ-

КАТТА ҚАДАМЛАРИ



да, – дейди Мирҳаёт Миртолипов. – Хом ашё Хитой, Россия, Малайзия каби давлатлардан келтирилади. Яқиндан эса, суюқлик ва кўпик аралашмасидан ташкил топган 2 фазали соч парваришлаш воситаси

ҳамда сочи мустаҳкамловчи махсус ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Нокматли бўлса ҳам айтиш, сифатли маҳсулот рекламага муҳтож бўлмайди. Қолаверса, соғлом рақобат муҳитини кунт билан ўрганамиз. Кези келганда, фойдадан воз кечи бўлса-да, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз.

Биз корхонада ишчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам қизиқдик. 20 дан зиёд ишчининг аксариятини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Ишчиларга нонушта, тушлик ва кечки чой корхона ҳисобидан берилади.

Қўли-қўлига тегиш мекнат қилаётган Нилуфар Роҳатилева, Мадина Мирзаева, Шамсиддин Қудратов, Ҳикматулла Маҳкамов каби ёшлар корхона уйларига яқинлиги, ойлик машина қаноатлантириши ҳақида қувониб гапиришди.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Бизни ўраб турган олам шу қадар ранг-баранг ва шовкин-суронли. Баъзан вақт ҳам шундай шиддатли тус оладики, бундай беҳаловат дамларда кўп нарсалар кўздан нари бўлади. Аммо, буларнинг ҳаммаси турли воқеа-ҳодиса ва нозик ҳис-туйғулар бўлиб, уларсиз кун ва туннинг, умуман, ҳаёт аталмиш неъматнинг бутун жозибасию тароватини сезиш, дилдан ҳис қилиш имконсиздир.



САКСОНОТА ЗИЁСИ

Биз тирикчилик ташвишлари билан ўралашиб, олди-орқамизга қарамай, ҳаёт пиллаояларидан шовилганча ўтиб бораверамиз-у, ортимизда нималар қоляпти, деб босган изларимизга лоқал бир қур назар ташлаб қўймаймиз. Аммо, вақт-соати етгач, кўҳна ҳаёт тақвими шовилганча, варақлашга тушамиз...

Ўтмишимизга гувоҳ қадим йўлларда аллазамонлардан бошлаб қарвонлар қатнаган. Сайёҳлар, тўжорлар, тарихчию шоирлар Шош заминига ўша қарвонлар сафиди илк бор қадам қўйган. Ушбу узоқ юрт кезишлардан сўнг қимлардир ўз уйига қайтган, айримлар воҳамизга буюк хайрли вазифани адо этиш мақсадида илм-билим олиб келган.

Ҳа, бизнинг заминимиз ҳақиқатан ҳам хайратомуз. У жаҳонга қўллаб буюк олим, дин пешволари ва шоирларни етказиб берган. Уларнинг қанчалари бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетган. Айримларнинг хоқлари Миср, Ироқ, Сурия, Ҳиндистон, Афғонистон каби ўнлаб мамлакатларда қолган. Шўқри, қўллаб буюк аждодларимиз ўзимизнинг она заминга дафн этилган. Бу-

ларнинг ҳаммаси бизнинг боқий меросимиздир. Чамаси, тўққиз аср илгари Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийларига сўфийлар вакиллари бўлган устозлар келиб, шу ерни ватан тутишган. Мазкур иттифоққа буюк шоир, маърифатпарвар ва авлиё мақомига етишган Ҳожа Аҳмад Яссавий асос солган эди. Ушбу ўнлаб оқилу доно устозларнинг қабрлари бугунги кунда зиёратгоҳларга айланган.

Бундай муқаддас жойлар бизнинг вилоятда ҳам оз эмас. Сўфий алломалар Бобо Мочин, Зангиота, Шоабдумаликота, Увакота, Эрвалибобо, Гумбазбобо, Улуғ Соғота ва Бувраотанинг қабрлари сайёҳлар учун ана шундай муқаддас зиёратгоҳларга айланган.


Саксонота – Юқори Чирчиқ туманидаги энг кўҳна қишлоқлардан бири. Бундан йигирма йил илгари шу қишлоқда бўлиб, бир гуруҳ кекса оқсоқоллар билан бафуржа сўхбатлашган эдим.

Афсуски, улар бугун орамизда йўқлар. Бироқ, улар билан бўлган дилдан сўхбат, қизқарли ҳикоялар кечагидек ёдимда. Айтишларича, Яссавий издошлари бўлган саксон нафар сўфийлар бу ерга келиб, анча узоқ давр яшаб, ибодатда бўлишган. Белгиланган муддат тугагач, улар турли томонларга тарқалишган. Мақсадлари, турли ҳудудлардаги одамлар орасида эзгулик, меҳр-оқибат, эътиқод йўлида хизмат қилиш ҳаракатини кенг ёйиш эди.

Устоз-сўфийлар бу ерлардан беиз кетмадилар, балки улардан маърифат зиёси қолди. Қалби очик кишилар бу зиё нурларини ҳозир ҳам аниқ кўриб, ҳис қилиб турибдилар.

Қишлоқ аҳолиси ўша буюк устозлар номларини кўпдан бундан хотираларида сақлаб, эъзозлаб келмоқдалар. Устозлар ибодат қилган, халқ орасида чиллаҳона деб аталган алоҳида хонани, айниқса, меҳр билан асрашган. Кейин, орадан анча йиллар ўтиб,

чиллаҳона яқинида масжид қурилган. Йиллар ўтиши билан масжид эскириб, нурай бошлагач, уни янгидан тиклашган. Кўп асрлар шундай давом этган ва охиригиси ўтган асрда, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, аниқроғи, қирқинчи йилларнинг охирида барпо этилган.



Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ
БОКСЧИЛАРИ САРАЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежидида 2000-2001-йилларда тузилган чарм қўлқоп усталари ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз бокс федерацияси томонидан истеъдодли боксчиларни аниқлаш ва уларни терма жамоа сафига қўйиш мақсадида ташкил этилган чемпионатда икки юздан ортиқ чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун куч синашишди.

Муроджон Эшқувватов, Сухроб Жумаев, Хуршидбек Расулжонов, Абдулазиз Одилов, Жавлонбек Йўлдошев, Асадбек Шодибеков, Сухробжон Қайумов, Темурбек Саъдуллаев, Акбаржон

Аскарров, Жамшид Худойберганов, Темур Атабаев ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

– Вазни 49 килограмм бўлган боксчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга эришганимдан хурсандман, – дейди Сухроб Жумаев. – Мусобақада барча жанглар қийин ўтди. Бироқ, мен ўз мақсадимга эришдим. Ўз вазимда Ҳасанбой Дўсматов каби Олимпия ўйинларида ғолиб чиқиш ниятидаман.

ГОЛАРГА БОЙ ТУР

Ўзбекистон Суперлига баҳсларининг иккинчи босқичида жамоалар 2 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашмоқда.

23-турда 1-гуруҳдан жой олган "Бунёдкор" ўз майдонида "Бухоро"ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ўйинда Муроджон Тошматов ҳисобни очган бўлса, Шаҳзодбек Нурматов ва Жавлон Иброҳимов рақиб дарвозасини ишғол этиб, жамоасининг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади.

Наманганда ўтган "Навбахор" ва "Пахтакор" учрашувида 3:3 ҳисоби қайд этилган бўлса, "Металлург" ўз майдонида

"Локомотив"га 0:1 ҳисобида мағлуб бўлди. "Локомотив"га ғалаба келтирган голга Икром Алибеков 31-дақиқада муаллифлик қилди.

Мазкур турнирнинг 2-гуруҳида сафарда "Нефчи" клуби АГМК устидан 1:0 ҳисобида зафар қучди. Шунингдек, "Сўғдиёна" ва "Кизилқум" баҳси 2:2 ҳисобида яқунланди. "Қўқон-1912" эса "Насаф" билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Ж. ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Эълон

Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 15 сентябрдаги "Тошкент вилоятида қаттиқ ва суяқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги тарифларни белгилаш тўғрисида"ги қарори имзоланди.

Унга қўра, 2018 йил 1 октябрдан: аҳолига бир киши учун бир ойга – 2500 сўм; юридик ташкилотларга 1 м² учун – 41 100 сўм (ҚҚС билан 49 320 сўм), суяқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш 1 тонна учун 50 000 сўм, (юридик ташкилотларга ҚҚС билан 65 000 сўм) этиб белгиланди.

Тошкент вилоятига бўйсунувчи Чирчиқ шаҳри бундан мустасно.

Социология факультети профессори талабалари билан шаҳарнинг чекка маҳаллаларига боришди. Ўша ердаги икки юзта имконияти чекланган боланинг аҳолини ўрганиб, уларнинг келажаги борасида тадқиқот ўтказмоқчи бўлишди.

Ибрат

Олиб борилган сўровнома ва сўхбатлардан ҳулоса чиқарган олимлар гуруҳи бу болаларнинг келажада ҳеч ким бўла олмасликларини айтишди.

Шу воқеадан ролпалароса йигирма беш йилдан сўнг бошқа профессор

тасодифан бу ишнинг натижаси билан қизиқди ва талабаларидан ўша болаларнинг тақдири нима бўлганини аниқлашни сўради. Талабалар у ердан

МЕҲРНИНГ
МУКОФОТИ

кўчиб кетган ёки вафот этган йигирмата боладан ташқари, бир юз саксонга боладан бир юз етмиш олтитасининг фавқуллодда муваффақиятга эришиб, адвокат, доктор ёки ишбилармон бўлганини аниқлашди. Профессор бу ҳолдан ниятда таъсирланди

ва шу иш билан шахсан ўзи шугулланишга қарор қилди. Болаларнинг ҳаммаси ўша атрофда яшаганликлари боис, улар билан кўришишга муюссар

бўлди. Шундай бир оғир шароитда қандай қилиб бунчалик муваффақиятга эришдингиз? – деган саволга ҳаммалари бир хил жавоб беришди:

– Маҳалла мактабиди. Бир ўқитувчимиз бор эди. Ўша устозимиз туфайли...

Профессор бу кекса ўқитувчиға жуда қизиқиб қолди. Ҳалиям ҳаёт эканлигини билгач, манзилни аниқлаб, уни зиёрат қилгани борди. Қаршисида йилларнинг юзига солган ажинларига қарамай, ҳали ҳам тетик бир кекса аёлни кўрди. Ундан бу болаларни аччиқ қисматдан қутқариб, муваффақият қозонишлари учун қандай йўл тутганини сўради. Ўқитувчининг қўллари бахтдан порлади ва табасум билан:

– Оддий, – деди. – Мен болаларни жуда яхши кўрдим, уларга меҳр бердим, холос...
А. САЛОМОВА тайёрлади

раҳмдиллик ўрнини тошбағирлик, шафқатсизлик эгаллайди. Бу – мутахассислар фикри.

Мисол учун, америкалик машҳур режиссёр Ден Скенлон томонидан яратилган "Махлуқлар университети" мультфильмидаги на инсонга, на ҳайвонга ўхшайдиган бир кўзли махлуқларни кўриб, биз, катталарнинг ҳам этимиз жунжакади. Мазмун-моҳиятини қидириб ҳам топиб

Айрим мультфильмларда эса шундай ахлоқсиз саҳналар борки, ҳатто, катталар кўриб, хижолат чекади. Бундай беодобликлар болакайлар, айниқса, қизалоқларда ҳаё, ибод, андиша каби покиза туйғулар емирилишига йўл очмайди...

Хуллас, "Мағзини ўзинг чақ" қабилида ишлаб чиқарилаётган мультфильмларни кўриб, очиги, болаларимизнинг ҳис-

ажратилиши ўрганади. Шунинг учун бугун савияли ва ҳар томонлама сифатли мультфильмларга эҳтиёж юқори.

Шу ўринда ўзбек ижодкорлари томонидан яратилган "Алломиш", "Ботирнинг баҳти", "Ур тўқмоқ!", "Хунарданд шаҳзода", "Зумрад ва Қиммат", "Уч оғайни ботирлар", "Айтсам ишонмайсиз", "Эгри ва тўғри" каби мультфильмларни эслайлик. Улар қанчалик мазмунга бой. Аммо, бу мультфильмлар ҳозирги замоннинг ўта захли, инновацион технологияларни жуда тез ўзлаштириб олаётган, компьютер ва мобил телефон миридан сиргача билладиган болалар учун кифоя эмас. Очигини айтиш керак, ўзбек ижодкорлари болалар учун фильм ва мультфильм ишлашда анча орқадалар. Лекин, ўзбек мультфильмларида ўзгача меҳр бор. Бу болаларга сингдирилиши керак бўлган меҳрдир. Тўғри, бунга бола тезда тушуниб олмаслиги мумкин. Шунинг учун фарзандимиз мультфильм томоша қилаётганда уни ёнида бир оз ўтириб, тушунишига кўмаклашиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмасди...

сиз, туйғусиз кечаётган болалиги ачинасиз. "Маша ва аёик", "Шрек", "Мадагаскар", "Бернард", "Виннипук" ва ҳозиро мультфильмларда ҳам мантиқ йўқдек...

Болалар ҳар бир ўқиган эртақ, ҳикоя, кўрган мультфильм ва фильмларида эзгулик доимо ёвузликнинг устидан ғалаба қозонишига ишонишади. Оқни қорадан, яхшини ёмондан

Хулоса қилиб айтганда, фарзандларимиз учун қизиқарли, сифатли, илгор технологияларни қўллаб яратилган мультфильмлар жуда зарур. Ҳадеб, хорижда ишланган тугуриқсиз мультфильмларни нардан-бери дубляж қилиб, эфирга узатиб, болалар онгини захарламасдан, ўзбекча миллий руҳ, чуқур тарбиявий қучга эга бўлган фильм ва мультфильмлар яратиш вақти келди. Зеро, бунинг учун барча имкониятлар бор.

Эрвали НОРЕБЕКОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

11 860 нускада
чоғ этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-58-85 (факс)
233-70-10
233-55-38
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Махмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Навбатчи
Абдусалим МАҲМУДОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: tshaqiqat@mail.ru; th-p@mail.ru Буюртма V-2386. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.30.